



“КАТТА УМИДЛАР” ВА “ШУМ БОЛА” АСАРЛАРИДА МАКОН ВА ИНСОН

*Қаришибаева Улжан Давировна,
СамДЧТИ филология фанлари доктори
Маҳмудова Муяссар Маҳмудовна,
СамДЧТИ профессори*

Калит сўзлар: макон, инсон тасаввури, роман, баддий макон, персонаж, қувонч, қайғу, образ.

Чарльз Диккенс ижодидаги болалар образлари ҳақида аллақачон ўз ватани ва чет эл адабиётшунослигида етарлича айтиб ўтилган. Ёзувчи томондан яратилган Оливер Твист, Николас Никльби, Нелли Трент, Поль ва Флоренс Домби, Эмми Доррит ва кўплаб бошқа образлар бутун умрга бутун жаҳон Болалик тарихига кириб бўлган. Бу персонажлар ўзининг реаллиги, таниқлилиги ва бир вақтнинг ўзида таъсирли, самимийлиги ва лиризми, баъзан эса аниқ сезиларли комик деталлари билан ҳайрон қолдиради. Кўп ҳолларда бу Диккенснинг ўз болалигига муносабати, унинг ўша вақт ҳақидаги хотиралари билан боғлиқ. Бежиз эмас А.Цвейг “Диккенс” мақоласида ўзининг қаҳрамонини кўйидагича таърифлайди: “... Диккенснинг ўзи – бошқа ҳеч кимга ўхшамасдан ўз болалигининг қувонч ва қайғуларини ўлдирган ёзувчи” [3].

Диккенсшуносларнинг Диккенс асарларидаги қаҳрамон-болаларга нисбатан нуқтаи назарлари ҳар доим ҳам мос келвермайди. Масалан, С.Крозерс “Диккенс болалари” китобида романист болалар ҳикоясини эмас, балки бола бўлиб қолган болалар ҳақидаги ҳикояни ёзган деб ҳисоблайди. “Диккенс тасаввурининг ноодатий поэзия”сини тадқиқ қилаётган Джон Кэри эса қаҳрамон-болалар ҳақидаги бобида Диккенсни худди “мўмин кичкина одамчаларни, ёш жиҳатдан катта бўлмаган ва эрта ўладиган болалар моделининг яратувчиси”дек қабул қилади. Унинг фикрича, Диккенснинг даҳолиги унинг бу “қаҳри қаттиқ узунтумшуқ болалари” ўзининг ноодатий ва ғайритабиий “муҳитига” туширишида ифодаланади.

“Идеал боланинг” характерологик типи кўп ҳолатларда ёзувчининг қатор ёши катта персонажларида амалга ошган. Бу тип “идеал бола характери” белгилари “пасайиши” бўйича тузиладиган учта типчаларга (“бола-хотин” – “бахтиёрлар” – “бола сифатларининг хаёлий соҳиблари”) бўлинади. Кўрсатилган типчаларнинг ҳар бири романдан романга аниқ ижодий эволюция билан характерланади ва бу психологизмнинг чуқурлашиши ва қаҳрамонларни тасвирлашда тимсолларнинг ролини ошириш билан боғлиқ.

Ғафур Ғулом “Шум бола” асари мисолида ўзига хос мактаб яратди, кўплаб қаламкашларни орқасидан эргаштирди, устоз санъаткор, деб тан олинди. Ойбек 1935 йилдаёқ, Ғафур Ғулом тўғрисида сўзлаб: “Ғафурнинг шеър ва дostonлари аксар вақт жанговар ҳам курашчан руҳни ифода этади, буюк инқилобий даврнинг фикр ва туйғулари, мотивлари, жўшқинлигини куйлайди”.

Фикр, сезгиларни, воқеаларни аниқ, яққол, қиррали, қабарик ва янги образларга беришга интилади”, деб ёзган эди. А. Фадеев ҳам “Ўзбек халқининг ғурури” (1945) мақоласида “Шоир ва академик Ғафур Ғулом совет поэзиясининг энг ўзига хос ва мислсиз ходисаларидан биридир.... Унинг шеърлари ҳамиша фикр ва теран туйғулар билан суғорилган”, деб юксак баҳо берган эди. Л. Бать эса, “Шум бола” тўғрисида сўзлаб, “Моҳият жиҳатидаи чуқур миллий руҳдаги бу асар Марк Твеннинг “Том Сойернинг саргузаштлари”, Диккенснинг баъзи романларига яқиндир”, деган эди. Ғафур



Ғулом чиндан ҳам XX аср ўзбек шеърляти ва насрининг йирик, бетакрор вакилидир. У ҳозирги замон ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига муносиб хисса қўшган сўз санъаткоридир [1].

Макон ва инсон бир-бири билан ўзаро боғланган. Бадиий асарда улар бир хил таъриф ва хусусиятларни ўзида мужассамлайдилар. Масалан, асар қаҳрамони конкретлаштирилиши, табиийки, ўз орқасидан макон (жой) конкретлаштирилишига олиб боради.

Ч.Диккенс асарларида макон,табиат манзаралари ушбу маконда яшаётган инсон ҳаёти унинг ғам-ташвишга тўла ҳаёти тўғонлар, тепаликлар, зовурлар, ботқоқликлар, дарё, денгизлардаги даҳшатли, қўрқинчли ва аянчли ҳолатлари тасвирланган. Ушбу Ч.Диккенснинг “Катта умидлар” асаридан олинган парчада кичик Пип, яъни инсон ва макон тасвирланган.

Ours was the marsh country, down by the river, within, as the river wound, twenty miles of the sea. My first most vivid and broad impression of the identity of things, seems to me to have been gained on a memorable raw afternoon towards evening. At such a time I found out for certain, that this bleak place overgrown with nettles was the churchyard; and that Philip Pirrip, late of this parish, and also Georgiana wife of the above, were dead and buried; and that Alexander, Bartholomew, Abraham, Tobias, and Roger, infant children of the aforesaid, were also dead and buried; and that the dark flat wilderness beyond the churchyard, intersected with dykes and mounds and gates, with scattered cattle feeding on it, was the marshes; and that the low leaden line beyond, was the river; and that the distant savage lair from which the wind was rushing, was the sea; and that the small bundle of shivers growing afraid of it all and beginning to cry, was Pip [5].

Биз денгиздан йигирма милча нарида, буралиб оқадиган дарёнинг қуйи оқимида жойлашган ботқоқликлар ўлкасида яшардик. Оламнинг мазмун-моҳияти тўғрисидаги илк ва арзигулик таассуротни рутубатли оқшомларнинг бирида олганман, деган фикрдаман,

ўшанда қичитқи ўт босиб кетган, атрофи панжара билан ўралган ушбу мотамсаро маконнинг қабристон эканини мазкур черковнинг собиқ қавми Филипп Пирипп, шунингдек, унинг рафиқаси Жоржиананинг оламдан ўтгани ва дафн этилганини; ҳамда зикр этилганларнинг гўдак ўғиллари Александр, Бартоломей, Абраам, Тобиас ва Рожерларнинг ҳам оламдан ўтиб дафн этилганини қабристон ортидаги тўғонлар, тепаликлар, зовурлар билан кесишган, у ер-бу ерида моллар ўтлаб юрган қорамтир пасттекисликнинг – ботқоқлик; ортидаги сассиз қўрғошин тасманинг –дарё; узоқдаги шамол уфуриб турган ёввойи ҳайвон уясининг –денгиз; буларнинг баридан даҳшатга тушиб, дағ-дағ титраб уввос торта бошлаган одамчанинг –Пип эканини кашф қилгандим [2].(Рус тилидан Ш. Миноваров таржимаси).

Метафора (объективлик ва субъективлик бирикмаси) Ч. Диккенс ўхшатма (муқояса) ларининг аксарият қисмини ташкил этади: and that the small bundle of shivers growing afraid of it all and beginning to cry, was Pip (Great Expectations, -р. 3) –Таржимаси: ...буларнинг баридан даҳшатга тушиб, дағ-дағ титраб уввос торта бошлаган одамчанинг –Пип эканини кашф қилгандим..

Буларга қўшимча қилиб, инсон ҳис-туйғулари ва эҳтирослари оламидан олинган сўзларни келтирамиз: My first most vivid and broad impression of the identity of things, seems to me to have been gained on a memorable raw afternoon towards evening. At such a time I found out for certain, that this bleak place overgrown with nettles was the churchyard; and that Philip Pirrip, late of this parish, and also Georgiana wife of the above... - *Таржимаси: Оламнинг мазмун-моҳияти тўғрисидаги илк ва арзигулик таассуротни рутубатли оқшомларнинг бирида олганман, деган фикрдаман, ўшанда қичитқи ўт босиб кетган, атрофи панжара билан ўралган ушбу мотамсаро маконнинг қабристон эканини мазкур черковнинг собиқ қавми Филипп Пирипп, шунингдек, унинг*



рафиқаси Жоржиананинг оламдан ўтгани ва дафн этилгани...

Романда эса табиат олами ва инсон дунёси ўртасида бузилмас алоқалар мавжуд. Инсон онгида илк олаётган ғамгин таассурот ҳам “қоронғи кечада” оламнинг мазмун-моҳияти тўғрисидаги илк ва арзигулик таассуротни рутубатли окшомларнинг бирида олганман (my first most vivid and broad impression of the identity of things, seems to me to have been gained on a memorable raw afternoon towards evening)..

Агарда романлар бошланишига қайтсак, у ҳолда “Қатта умидлар” романида макон – қабристон, “Шум бола” романида – бозор: ‘Hold your noise!’ cried a terrible voice, as a man started up from among the graves at the side of the church porch. ‘Keep still, you little devil, or I’ll cut your throat!’ (Great Expectations, -p. 3) *Таржимаси: -Йиғини бас қил! – деган таҳдидли овоз янгради ва черков эшигининг яқинидан, қабрлар орасидан кимдир чиқиб келди. –Ўчир овозингни, шайтонвачча, бўлмаса бўйнингни узиб ташлайман!;* ҳисобланади. Кенгайиши чекланган макон доимо чексизлик билан ўзаро биргаликда ҳаракатланади, бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатадилар.

Ғ.Ғуломнинг “Шум бола” романида ўша даврда болаларнинг мадрасаларга бориб ўқишларига имкониятлари бўлмаганидан кўчаларда, бозорларда юриб кўрганлари, ўрганганлари ҳақида шундай ёзган: *Бозорда санқиб юрган биз дайди болалар учун қувончли эрмаклардан бири бозор, маҳалла, кўча-кўй жиннилари эди. Ўша йилларда Тошкентда, шунақа ҳам жинни кўп эдики, санаб саноғига етолмайсиз: Малла жинни, Карим жинни, Майрамхон, Хол паранг жип-жинни, Тожиҳон, Жуфт каптар, Олим жинни, Эшон ойи, Овоз жинни ва бошқалар [4].*

Шу билан бирга Ғ.Ғулом асарда макон сифатида болалар санқиб юрган бозорни, инсон эса бозор ҳудудидаги болалар учун эрмак бўлган жинниларни тасвирлаш билан бирга болалар тасаввурида жинни бўлиб кўринган

инсонлар давр қийинчиликларига бардоши етмаган инсонлар образидир.

Диккенс романларида қабристон - маконни ифодаловчи белги эмас, балки образ, метафора (мажозий маъно), ёзувчининг ҳаммасидан устун турувчи ғоясининг – инсоннинг руҳий ҳолати, асар қаҳрамонининг болаларча тасаввури ва кўркувдан қабрдаги мурдалардан нажот, мадад кутаётгани ёвуз кучлардан қутқарадиган инсонлар мужассамдир. *Micol: When he came to the low church wall, he got over it, like a man whose legs were numbed and stiff, and then turned round to look for me (p.9). Таржимаси: Яшил дўнғчалар устини қоплаб ётган қичитқи ўт, отқулоқлар орасидан ўтиб бораркан, болаларча тасаввуримда, қабрлар ичидан уни тутиб олиб, ўз маконларига, ер қарига олиб кириб кетиши ниятида сассиз қўл чўзиб турган мурдаларга чап бераётгандек эди (14-б.).*

Қабристон ҳамиша осмонўпар черковлар ва қалъаларнинг пасткам деворларига нисбатан антитеза сифатида намоён бўлади, шу билан бир вақтнинг ўзида уларнинг ажралмас бир қисмига айланади.

Қабристон каби дарё бўйидаги ўта беўхшов маёқ ҳам маълум бир образ сифатида гавдаланади. Бу маёқда бир пайтлар қароқчилар осилган, кишан парчалари сақланиб қолган дорни тасвирлаш билан, ёзувчи Яхшилик (Эзгулик) ва Ёмонлик (Ёвузлик) нинг маънавий-ахлоқий муаммоларини ҳал этади.

Матннинг метафораларга бойлиги: *My sister, Mrs. Joe Gargery, was more than twenty years older than I, and had established a great reputation with herself and the neighbours because she had brought me up ‘by hand.’ Having at that time to find out for myself what the expression meant, and knowing her to have a hard and heavy hand, and to be much in the habit of laying it upon her husband as well as upon me, I supposed that Joe Gargery and I were both brought up by hand (p.11). Таржимаси: Онам миссис Жо Гержерери каминадан йиғирма ёшлар чамаси улугроқ, феъл-атвори ва мени “ўз*



қўли билан” тарбия қилгани билан қўшилар нигоҳида ва ўз наздида ўта таниқли эди. Ўша вақтларда ушбу иборанинг маъносини бошимдан ўтказиб, опамнинг қўли қаттиқ ва югурик эканига, уни дам эрига, дам менга югуртириши одати борлигига гувоҳ бўлиб, Жо Гержер иккимиз ҳақиқатан қўл тарбиясини олганмиз, деган хулосага келгандим (15 б.) – бу жамиятдаги ижтимоий ва маънавий разолат, разиллик ва қаттиққўллик, шунингдек, одам яхшилиқ ва эзгуликни, бахт- саодатни ва оила тинчлигини мустаҳкам ўрнатиш учун қилган машаққатли меҳнати ҳамда бола тарбиясидаги хатолари ҳамдир.

Ғ.Ғулумнинг “Шум бола” асари матнидаги метафоралар: “*Жуфт каптар*”га ҳукуматдан теккан эди, *Николай борми, Кофман борми, Мачалов борми, Наби ўғри деган миршаб борми* – ҳаммасини бир қозон қилиб, *мартабасининг пасти-баландига қарамай сўкаверар эди (94-95-б.)*. Ушбу матнда метафора авторитарлиги мавжуд.

Аммо Диккенс метафораси Ғ.Ғулумга хос бўлган метафорадан жиддий равишда фарқ қилади. “Шум бола” романи муаллифида метафора авторитарлиги, яъни кўр-кўрона ва сўзсиз бўйсунушга асосланганлиги ҳақида гапиришимиз мумкин, шунга ўхшаш метафора образ воситаларининг барча турларини, метонимияга қадар ўзига бўйсундиради ва тобе қилади. Диккенс ижодида эса бутунлай тескари ҳодисалар юзага келади. Универсализм тоифалари билан ишлаш, жуда кўп фактларни битта ғоя даражасигача олиб чиқиш аксарият ҳолатларда Диккенсга хос бўлган тилнинг юқори даражадаги метонимияга асосланганлигини белгилайди. Муқояса (ўхшатма) – бу метафоранинг бошланғич тамойили бўлганлигига қарамадан, Диккенснинг аналогияга асосланган ўхшатмаларини ҳикоя қилишда метонимия аломатларига эга бўлади, чунки улар бир бутун яхлит нарсанинг ажралмас бир қисми сифатида намоён бўлади, худди муайян бир ғоянинг бир неча бор кўпайтирилган образидек гавдаланади.

Адабиётлар:

1. Абдурахмонов Ғ., Мамажонов С. Ўзбек тили ва адабиёти. –Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2002. 305-309 бб.
2. Жаҳон адабиёти. Адабий-бадиий, ижтимоий-публицистик журнал // Рус тилидан Ш. Миноваров таржимаси.–Т.: 2015, 11-25 б.
3. Цвейг А. Диккенс//Тайна Чарльза Диккенса.-М.:Книжная палата, 1990.С.243-263.
4. Ғафур Ғулум //Шум бола.-Тошкент: Ғ.Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. 94-224б.
5. Charles Dickens. Great Expectations. P. 865. <http://www.planetpdf.com/>.
6. www.lingq.com/en/learn-english-online/course...
7. dailylit.com/read/27-great-expectations

Каршибаева У., Махмудова М. Пространство и человек в произведениях «Большие надежды» и «Озорник». В статье автор обращается к образам детей, раскрывая их посредством героев романов Ч. Диккенса и Г.Гуляма «Большие надежды» и «Озорник». В них изображена судьба героев, их жизнь, а также места проживания.

Karshibayeva U., Mahmudova M. The space and a man in literary works “Great Expectations” and “Mischievous”. In the present article the author appeals to children’s images through the heroes of the novels of Ch. Dickens and G. Gulyam “Great Expectations” and “Mischievous”. The fate of the main characters of the novels, their life and places of residence are depicted.